

М.Қ.ПАРДАЕВ

# ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР



САМАРҚАНД-2004

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

*САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ*

«Таҳлил» ижодий, илмий-маърифий тўғараги

М. Қ. ПАРДАЕВ

**ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ  
МУНОСАБАТЛАР**

Фанидан интерфаол усулларни қўллаб дарс ўтиш бўйича  
маърузалар матни

САМАРҚАНД - 2004

52a/1


Пардаев М.Қ. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Маърузалар магнн. Самарқанд, СамИСИ, 2004. - 92 бет.

Такризчилар: Қаршиев Р.Қ. – СамИСИ «Иқтисодиёт назарияси»  
кафедраси муdiri, доцент  
Усмонов И.У. – СамИСИ «Статистика» .  
кафедраси доценти, г.ф.н.

Мазкур ишда «Халқаро иқтисодий муносабатлар» фанини ўрганиш, шу фан бўйича маъруза ўқиш ва семинар ўтиш ҳамда интерфаол усуллардан фойдаланиш бўйича тегишли кўрсатмалар берилган. Ҳар бир мавзу бўйича режа, адабиётлар рўйхати, маърузада ўтиладиган материалларнинг слайдлари каби тарқатма материаллар келтирилган. Унда таянч ибораларга изоҳ берилиш билан биргаликда мазмуни ҳам очиқ берилган.

Иш олий ўқув юрти бакалавриат талабалари, магистрлар ва ўқитувчиларга мўлжалланган. Ундан халқаро иқтисодий муносабатлар масалалари билан шугулланувчи бошқа мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

*«Статистика» кафедрасининг 2004 йил 28 апрел 9-мажлис баёнида, ўқув-услубий бирлашмасининг 2004 йил 4 май 9-мажлис баёнида кўриб чиқилган ва чоп этишга тавсия қилинган.*



## К И Р И Ш

### Фанни ўқитишнинг мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши

«Халқаро иқтисодий муносабатлар» фанини ўқитишнинг мақсади бўлиб, Олий таълимнинг «Бизнес ва бошқарув» соҳаси Бакалавр йўналишлари бўйича таҳсил олаётган талабаларга халқаро иқтисодий муносабатларнинг асосларини, унинг заруриятини, йўналишларини ва кўринишларини, тартибга солиш усулларини ва Ўзбекистонда олиб борилаётган ташқи иқтисодий сиёсатни асослашни ўргатиш ҳисобланади.

#### *Фанни ўқитишнинг вазифаси қуйидагилардан иборат:*

- халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ва шаклланишини ҳамда уларни тартибга солишда халқаро иқтисодий ташкилотларнинг ролини кўрсатиш;

- «Халқаро иқтисодий муносабатлар», «Жаҳон иқтисодиёти» ва «Халқаро макроиқтисодиёт» тушунчаларининг фарқини асослаш; халқаро иқтисодий интеграция ва глобаллашувни чуқурлаштириш йўналишларини очиб бериш талабаларга халқаро савдо самаралорлигини миқдоран ва сифат жиҳатдан баҳолашни ҳамда ривожланган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари мисолида очиқ бозор иқтисодиёти шаклланишини тушунтириш;

- халқаро алоқалар ривожланишида валюта–кредит муносабатлари; валюта ва молия бозорларининг аҳамияти ва ролини аниқлаш;

- ишчи кучлари халқаро миграциясининг қонуниятлари ҳамда республика ишчи кучларининг халқаро айирбошлашувида қатнашишини кўриб чиқиш.

«Халқаро иқтисодий муносабатлар» фани «Иқтисодиёт назарияси», «Халқаро статистика», «Халқаро валюта-кредит муносабатлари», «Жаҳон иқтисодиёти», «Хорижий инвестициялар», «Макроиқтисодиёт», «Микроиқтисодиёт», «Банк иши», «Халқаро маркетинг» каби ўқув фанлари билан ҳам аниқ алоқадандир.

## **Ўқув фани бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва маҳоратларига талаблар**

Олий таълимнинг давлат стандартига мувофиқ мазкур фан бўйича талабаларнинг билимига, ўқувига ва кўникмасига қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат:

- фанни ўрганиш жараёнида ўтиладиган ҳар бир мавзу бўйича рейтинг балларини тўплашлари, тест саволларига жавоб бера олишлари;

- ўқув графигининг рейтинг ҳафталигида жорий ва оралиқ баҳолаш учун ёзма назорат ишларини бажаришлари, мустақил таълим мавзуларини ўзлаштиришлари, амалий машғулотларда масалалар ечишлари, мустақил ишлар сифатида рефератлар тайёрлашлари, тест саволлари тузишлари, чизмалар ва жадваллар чизишлари;

- фанни ўзлаштириш натижасида макроиқтисодий таҳлил усулларини мукамал билишлари ва уларни амалиётда тадбиқ эта олишлари ҳамда масофавий ўқитишда «кейс-стадис»лардан, электрон дарсликлардан фойдаланишлари, интернет тармоғи орқали фанга оид тегишли маълумотларни ола билишлари талаб қилинади.

### **Амалий машғулотлар бўйича бажариладиган ишларнинг минимал миқдорига талаблари**

Ишчи ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотлар мавзулари бўйича талабалар тегишли мавзулар бўйича конспектлар олади, рефератлар ва мустақил ишлар тайёрлайди ҳамда амалий ўқитувчиси назоратида улар юзасидан оғзаки суҳбатдан ўтади. Ушбу талабалар амалий машғулотлар мавзуларида курсив билан кўрсатилган саволлар бўйича талабаларнинг тўлиқ ўзлаштиришларини белгилайди.

### **Аудитория машғулооти турларининг соатлар ҳажми (фоизларда) бўйича тавсиялар**

Ўқув режасида ушбу фанга 60 соат ажратилган, шундан 40 соати аудиторияда бажарилади, жумладан 20 соат маъруза ва 20

соат амалий (семинар) машғулотлар; 20 соат мустақил таълимга ажратилган бўлиб, аудиториядан ташқарида бажарилди, яъни аудитория соатлари 66,7 %ни ва аудиториядан ташқаридаги соатлар 33,3 %ни ташкил этади.

Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори.

Ушбу фан бўйича талабалар билимини баҳолаш ўқув рейтинг тизими бўйича жорий, оралиқ ва якуний баллар асосида белгиланади.

Фанни ўқитишнинг ҳар бир семестрида икки маротаба жорий назорат (семинар машғулотларида), икки маротаба оралиқ назорат (маъруза машғулотларида) ва бир маротаба якуний назорат (ёзма иш усулида) амалга оширилади.

Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш

Фанни ўқитишда янги технологиялар элементлари бўлиб масофавий ўқитиш, Интернет тармоғидан фойдаланиш, компьютер синфларида амалий машғулотларни «иш ўйинлари» шаклида ўтказиш ҳисобланади. Шунингдек, интерфаол усулларнинг бошқа турларидан ҳам кенг фойдаланилади.

«Халқаро иқтисодий муносабатлар» (ХИМ) фани бўйича мавзулар ва аудиториялар соатларининг

### ТАҚСИМОТИ

| Мавзунинг номи   | Умумий соат | Шу жумладан |                               |
|--|-------------|-------------|-------------------------------|
|  |             | Маъруза     | Семинар ва амалий машғулотлар |
| 1. Халқаро иқтисодий муносабатлар фанининг предмети, методи, таркиби ва бозор муносабатлари шароитидаги вазифалари | 4           | 2           | 2                             |

|  |    |    |    |
|--|----|----|----|
| 2. Халқаро иқтисодий муносабатлар (ХИМ)нинг аҳамияти ва ташқи иқтисодий сиёсат | 4  | 2  | 2  |
| 3. ХИМнинг ташкилий - ҳуқуқий асослари   | 4  | 2  | 2  |
| 4. Ташқи иқтисодий фаолиятни (ТИФ) тартибга солиш усуллари                     | 4  | 2  | 2  |
| 5. Эркин иқтисодий зоналар, халқаро савдо ва жаҳон нархлари                    | 4  | 2  | 2  |
| 6. Халқаро валюта тизими   | 4  | 2  | 2  |
| 7. Халқаро капитал ҳаракати ва ссуда бозорлари                                 | 4  | 2  | 2  |
| 8. Халқаро ишчи кучлари миграцияси   | 4  | 2  | 2  |
| 9. Трансмиллий корпорациялар (ТМК) фаолияти                                    | 4  | 2  | 2  |
| 10. Халқаро иқтисодий интеграция   | 4  | 2  | 2  |
| ЖАМИ:  | 40 | 20 | 20 |

## I. «ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР» ФАНИДАН ИНТЕРФАОЛ УСУЛИДА ЎҚИТИШ ТАРТИБИ

### 1 - Д А Р С

1. Тингловчилар билан ўқитувчи танишуви. Бунда ўқитувчи ўзини биринчи бўлиб гаништиради. Шуғулланадиган соҳасини, асосий фаолиятини, тингловчилар талабидан келиб чиқиб, фазилатларининг айрим қирраларини айтиб беради.
2. Тингловчилар билан тингловчилар танишуви. Ёзма-ён ўтирган иккига тингловчи 3 дақиқа давомида бир-бирини ўрганиб, биринчиси иккинчисини, иккинчиси биринчисини таништиради. Таништириш учун ҳар бир кишига 30 сония вақт ажратилади.
3. Мавзу билан таништириш. Тингловчиларга мавзу ва унда кўтариладиган саволлар эълон қилинади. Шу ернинг ўзида адабиётлар ва бошқа манбалар ҳам кўрсатиб ўтилади.

4. Тингловчиларга биринчи топширик. Тингловчилар мавзу бўйича нимани кутаётганлигини ёзади. Ҳар бир тингловчи ушбу дарсдан кутаётган 6 та нарасини ёзади.
5. Ўқитувчи шу мавзу бўйича айрим тингловчиларнинг талабларини муҳокама қилади. Бундан келиб чиқиб мавзунинг асосий мақсади ва вазифаларини шакллантиради ва эълон қилади.
6. Тингловчиларга топшириқлар берилади. Ўқитувчи шу эълон қилган мавзу бўйича дарсда кўриладиган асосий йўналишларни айтиб тингловчиларга бирқанча муаммолар эълон қилади.
7. Тингловчилар топшириқни бажаришга киришади. Эълон қилинган муаммоларни ҳал қилиш йўллариини ҳар бир тингловчи ўзи ҳал қилади ва 5 тадан ҳал қилиш вариантини ёзиб чиқади.
8. Тингловчилар гуруҳларга бўлинади ва муаммони ҳал қилиш йўллариини гуруҳ-гуруҳ бўлиб биргаликда ахтаради ва йўлини ишлаб чиқади.
9. Тингловчилар тақдимоти. Ҳар бир гуруҳдан бир киши муаммони ҳал қилиш бўйича ўзларининг ишлаб чиққан вариантларининг тақдимотини ўтказди.
10. Тингловчининг мустақил ишлаши учун вазифа берилади. Шу мавзу бўйича тингловчилар билиши лозим бўлган саволлар эълон қилинади. Бу саволларни ўрганиш учун адабиётлар рўйхати берилади.
11. Ҳар бир тингловчининг мазкур дарсдан кутган нарсаларнинг ҳал бўлганлиги муҳокама қилинади. Тингловчиларнинг кутаётган муаммоларидан қанчаси ҳал бўлганлиги эътироф этилади, ҳал бўлмаганлари эса изоҳланади.
12. Тингловчига қўшимча топшириқ берилади. Бунда тингловчи мазкур дарсдан маълум нарсани ўрганиш билан бирга, албатта



Ўрганишим лозим бўлган масалалар ҳали кўп экан деган топшириқ билан чиқиб кетиши керак.

## 2 - ДАРС

1. Биринчи дарсда қўйилган топшириқ текширилади. Бу қисқача оғзаки савол-жавоб, битта саволга ёзма равишда жавоб ёзиш ёки тест ёрдамида амалга оширилади.
2. Тингловчилар гуруҳларга бўлинади. Агар тингловчиларнинг сони етишса 4 гуруҳга бўлингани яхши.
3. Тингловчига топшириқ берилади. Иккита олдиндан тайёрланган муаммо (вазоятли масала) шу тўртта гуруҳга бўлиб берилади. Улар муаммони ҳал қилиш бўйича ҳар бири мустақил ишлайди ва ечимини топади.
4. Гуруҳлар ўртасида мунозара. Муаммони ечими ҳал бўлгач бир хил мавзуда ишлаган иккита гуруҳ бир-бирига ўз ечимларини исботлаш учун мунозарага киришади.
5. Муаммо ечими бўйича тақдимот. Иккита гуруҳ бирлашиб умумий хулосага келингач шу иккита муаммонинг ечими бўйича тингловчилардан 2 киши тақдимот қилади.
6. Умумий хулоса. Тақдимот натижаси бўйича дарс умумлаштирилиб умумий хулосага келинади.
7. Қўшимча топшириқ. Тингловчиларга шу муаммони ҳал қилиш ва уни чуқур ўрганиш бўйича тегишли саволлар ва адабиётлар рўйхати берилади.

## 3 - ДАРС

1. Иккинчи дарсда берилган вазифанинг бажарилишини назорат қилиш. Ҳамма тингловчига қисқа жавоб бериш учун ёзма савол ёки тест тарқатилади. Унинг жавобга 5 дақиқа вақт берилиб жавоби тезда йиғиб олинади.

2. Рейтинг аниқланади. Жавобларга 100 баллик тизимда баҳо қўйилади. Бу дарсдан кейин амалга оширилиши ва навбатдаги дарсда эълон қилиниши мумкин.
3. Тингловчиларга янги топшириқ (вазиятли масала) берилади. Ушбу топшириқни ечиш учун 4 та гуруҳ фойдаланиб қўйилган муаммони ҳал қилиш бўйича биттадан вариант ишлаб чиқади.
4. Ҳар бир гуруҳнинг тақдироти. Гуруҳ аъзоларидан бир киши муаммони ечиши бўйича ўз тақдиротини эълон қилади. Муҳокама ва мунозара қилинади.
5. Бошқарув қарорларини қабул қилиш. Барча талабалар ўқитувчи билан бирга муаммони ҳал қилиш бўйича тегишли бошқарув қарорини қабул қилади.
6. Вазифа бериш. Ҳар бир тингловчига мустақил ишлаш учун аниқ вазифалар берилади, адабиётлар тавсия қилинади.
7. Саволлар рўйхати. Тингловчилар билиши лозим бўлган саволлар рўйхати берилади. Шу тариқа мазкур фан бўйича саволлар тизими шаклланиб боради.

## ҚОЛГАН ДАРСЛАР

Қолган дарслар ҳам шу тариқа ўтказилади. Буларнинг қанчалик қизиқарли ва самарали ўтиши бевосита ўқитувчига боғлиқ. Ўқитувчи ўзи устида доимий равишда пухта ишлаши керак. Ўзи ўтадиган фан бўйича барча адабиётлардан, амалиётдаги ютиқлардан, меъёрий ҳужжатлардан хабардор бўлиши лозим. Педагогик маҳоратини муттасил ошириб борган кишигина талабалар ўртасида, тингловчилар олдида ҳурмат қозониши мумкин.

## II. ФАН ДАСТУРИ ВА МАВЗУЛАРНИ ЁРИТИШ БЎЙИЧА САВОЛЛАР ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР.

### 1-Мавзу. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МЕТОДИ, ТАРКИБИ ВА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

#### *Дастур*

Халқаро иқтисодий муносабатлар (ХИМ) фанининг предмети, объекти ва таркиби. Халқаро иқтисодий алоқалар ривожланишининг асосий босқичлари ва йўналишлари. Бозор муносабатлари шароитида ХИМнинг асосий вазифалари.

#### *Маъруза*

Маъруза ҳажми 2 соат

#### Режа:

1. ХИМ фанининг предмети
2. ХИМ фанининг объекти
3. ХИМ фанининг таркибий тузилиши
4. ХИМ фанининг вазифалари

Маърузанинг мақсади - халқаро иқтисодий муносабатлар (ХИМ) фанининг предмети, объекти ва таркиби, халқаро иқтисодий алоқалар ривожланишининг асосий босқичлари ва йўналишлари, бозор муносабатлари шароитида ХИМнинг асосий вазифалари каби масалаларни кўриб чиқиш.

*Мавзу бўйича қўлланувчи дидактив ва техник воситалар: кодоскоп ва махсус ишлаб чиқилган слайдлар*

#### *Амалий машғулот*

Машғулот ҳажми 2 соат

Машғулот дарсида талабалар билиши лозим бўлган саволлар:

- Халқаро иқтисодий муносабатлар (ХИМ) фанининг предмети, объекти ва таркиби.

- Халқаро иқтисодий алоқалар ривожланишининг асосий босқичлари ва йўналишлари.
- Бозор муносабатлари шароитида ХИМнинг асосий вазифалари.

#### Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳаммамиз масъулмиз. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
2. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Гуломов С.С., Дадобоев Ю.Т., Халилов Н.Н. Мировое хозяйство и международное экономическое отношения. Учебник. Т.: 2002.
4. Дадабоев Ю.Т., Рахимов Г.А. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув кўлланма. Фарғона, 2001.
5. Международные экономические отношения. Под ред. проф. Ливенцева Н.Н. – М.: РОССПЭН, 2001.
6. Международные экономические отношения. Под ред. проф. Жукова Е.Ф. – М.: ЮНИТИ, 2000.
7. Хакимова М., Хўжаев Х., Махмудов Б. Халқаро иқтисодий муносабатлар. – Т.: Меҳнат, 1997.


## Слайдлар

## 1.1. ХИМ фанининг предмети

ХИМ фанининг предмети деганда ўта мураккаб бўлган халқаро иқтисодий муносабатлар ва уларни амалга ошириш механизмлари тушунилади.




## 1.2. Халқаро иқтисодий муносабатлар таркиби



ХИМ фанининг объекти деганда жаҳон хўжалигининг иқтисоди эмас, балки унинг ўртасида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуаси тушунилади.

### 1.3. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг вужудга келиш асоси



## 2-Мавзу. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР (ХИМ)НИНГ АҲАМИЯТИ ВА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ

### *Дастур*

ХИМ иштирокчилари; халқаро айирбошлашнинг назарий асослари; халқаро меҳнат тақсимоти тушунчаси; ҳозирги дунёда ХИМнинг роли; давлат ташқи сиёсатининг моҳияти ва зарурияти; утиш даврида Ўзбекистонда олиб борилаётган ташқи иқтисодий сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари, мақсадлари; Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятини бошқариш тизими; жаҳон ҳужалигида Ўзбекистоннинг ўрни.

### *Маъруза*

Маъруза ҳажми 2 соат

#### Режа:

1. ХИМ иштирокчилари ва жаҳон иқтисодиётининг бугунги манзараси.
2. Халқаро меҳнат тақсимоти
3. Халқаро интеграциялашув жараёнлари
4. Жаҳон ҳўжалиги ва унда Ўзбекистоннинг ўрни, миллий ҳўжаликнинг байналминаллашуви
5. Жаҳон иқтисодиётининг байналминаллашуви

Маърузанинг мақсади - ХИМ иштирокчилари; халқаро айирбошлашнинг назарий асослари; халқаро меҳнат тақсимоти тушунчаси; ҳозирги дунёда ХИМнинг роли; давлат ташқи сиёсатининг моҳияти ва зарурияти; утиш даврида Ўзбекистонда олиб борилаётган ташқи иқтисодий сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари, мақсадлари; Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятини бошқариш тизими; жаҳон ҳужалигида Ўзбекистоннинг ўрни тўғрисидаги масалаларни ёритишдан иборат.

*Мавзу бўйича қўлланувчи дидактив ва техник воситалар: кодоскоп  
ва махсус ишлаб  
чиқилган слайдлар*



*Амалий машғулот*

Машғулот ҳажми 2 соат

Машғулот дарсида талабалар билиши лозим бўлган  
аволлар:

- ХИМ иштирокчилари; халқаро айирбошлашнинг назарий асослари;
- Халқаро меҳнат тақсимоги тушунчаси;
- Ҳозирги дунёда ХИМнинг роли;
- Давлат ташқи сиёсатининг моҳияти ва зарурияти;
- Ўтиш даврида Ўзбекистонда олиб борилаётган ташқи иқтисодий сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари, мақсадлари;
- Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятини бошқариш тизими;
- Жаҳон ҳўжалигида Ўзбекистоннинг ўрни.

## Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ховфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳаммамиз масъулмиз. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. Ўзбекистон янги қонунлари. 1-24 томлар. – Т.: Адolat, 2003.
6. Дадабоев Ю.Т., Рахимов Г.А. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. Фарғона, 2001.
7. Международные экономические отношения. Под ред. проф. Жукова Е.Ф. – М.: ЮНИТИ, 2000.
8. Хакимова М., Хўжаев Х., Махмудов Б. Халқаро иқтисодий муносабатлар. – Т.: Меҳнат, 1997.
9. Чет эл иқтисодиёти алманахи. Т.: Фан, 2003.

## 2.1. Жаҳон иқтисодиётининг бугунги манзараси


Социалистик тузумнинг барҳам топиши  
иккита қарама-қарши иқтисодиётнинг ҳам  
барҳам топишига олиб келди

Жаҳон хўжалиги  
вужудга келди

Жаҳон иқтисоди байналминаллашди

Жаҳон эркин бозор муносабатларига  
асосланган иқтисодий муносабатларга  
ўтди


Жаҳонда глобаллашув  
жараёни содир бўлди.




## 2.2. Халқаро меҳнат тақсимоти (ХИМ)




### 2.3. Халқаро интеграциялашув жараёнлари



## 2.4. Миллий хўжаликларнинг байналминаллашуви (МХБ)



Алоҳида миллий хўжаликнинг байналминаллашув жараёни



## 2.5. Жаҳон иқтисодиётининг байналминаллашуви (ЖИБ)

Колониячилик йўли билан босиб олишдан эркин бозор йўли билан эгаллаб олиш усулига ўтишди



**Халқаро иқтисодий муносабатлар  
(ХИМ) камраб олувчи соҳалари**

1. Халқаро савдо-сотиқ
2. Ишлаб чиқариш ва илмий техникавий соҳани халқаро ихтисослашуви
3. Илмий-техника тараққиёти ютуқларини халқаро миқёсда баҳам кўриш
4. Мамлакатлараро ахборот алмашуви
5. Халқаро молия-кредит, инвестиция ва валюта алмашуви
6. Капитал ва ишчи кучи ҳаракати, уларнинг халқаро миграцияси
7. Халқаро иқтисодий ташкилотлар ва уларнинг глобал муаммоларни ҳал қилишга киришиши

### 3 - Мавзу. ХИМНИНГ ТАШКИЛИЙ – ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

#### *Дастур*

Иқтисодиётларнинг глобаллашуви тушунчаси; халқаро иқтисодий ташкилотлар ва уларнинг гуруҳланиши; Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар; Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлардаги иштироки; халқаро валюта-молия ташкилотлари фаолияти хусусиятлари; савдо ва саноат соҳасидаги халқаро ташкилотлар; умумжаҳон Савдо ташкилоти. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ҳуқуқий асослари; Халқаро битимлар, Конвенсиялар, Резалюциялар; Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятига доир қонунлари; кичик ва урта бизнес –Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолият субъекти сифатида.

#### *Маъруза*

Маъруза ҳажми 2 соат

##### Режа:

1. Иқтисодиётнинг глобаллашуви ва байналминаллашуви
2. Жаҳон хўжалиги ва унинг таркибий тузилиши
3. Бирлашган Миллатлар ташкилоти таркибидаги иқтисодий ташкилотлар
4. Умумжаҳон савдо ташкилоти
5. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ҳуқуқий асослари
6. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятига доир қонунлари

Маърузанинг мақсади - иқтисодиётларнинг глобаллашуви тушунчаси; халқаро иқтисодий ташкилотлар ва уларнинг гуруҳланиши; Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар; Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлардаги иштироки; халқаро валюта-молия ташкилотлари фаолияти хусусиятлари; савдо ва саноат соҳасидаги халқаро ташкилотлар; умумжаҳон Савдо ташкилоти; ташқи иқтисодий алоқаларнинг ҳуқуқий асослари; Халқаро битимлар, Конвенсиялар, Резалюциялар; Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий

фаолиятига доир қонунлари; кичик ва урта бизнес –Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолият субъекти сифатида каби мавзуларни ёритишдан иборат.

*Мавзу бўйича қўлланувчи дидактив ва техник воситалар: кодоскоп ва махсус ишлаб чиқилган слайдлар*

### *Амалий машғулот*

Машғулот ҳажми 2 соат

Машғулот дарсида талабалар билиши лозим бўлган саволлар:

- Иқтисодиётнинг глобаллашуви тушунчаси;
- Халқаро иқтисодий ташкилотлар ва уларнинг гуруҳланиши;
- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлардаги иштироки;
- Халқаро валюта-молия ташкилотлари фаолияти хусусиятлари;
- Савдо ва саноат соҳасидаги халқаро ташкилотлар;
- Умумжаҳон Савдо ташкилоти.
- Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ҳуқуқий асослари;
- Халқаро битимлар, Конвенсиялар, Резалюсиялар;
- Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятига доир қонунлари;
- Кичик ва ўрта бизнес –Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолият субъекти сифатида.


### Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари. 1995 йил 5 январдан 2004 йил 1 январгача. Т.: Адолат, 2004.
2. Ўзбекистон янги қонунлари. 1-24 томлар. – Т.: Адолат, 2003.
3. М.Шарифхўжаев. Ўзбекистон янги ғоялар, янги ютуқлар. – Т.: Шарқ, 2002.




4. Международные экономические отношения. Под ред. проф. Жукова Е.Ф. – М.: ЮНИТИ, 2000.
5. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. – М.: Маркетинг, 2001.
6. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Маъруза матнлари. ТМИ, 2002.
7. Ўзбекистан в мировой экономике. – Т.: Фан, 2001.

### 3.1. Иқтисодиётнинг глобллашув тушунчаси




## Глобал муаммолар



Глобал муаммоларни ҳал қилиш учун иқтисодийни ҳам объектив равишда глобаллаштиришни, муаммоларни биргаликда ҳал қилишни ер куррасидаги миллатларнинг бирлашуви кабиларни тақозо қилади.

Ер курраси ягона организм, у ҳамоҳанг сиёсатни, ҳамкорликдаги иқтисодийни, эҳтиёткорлик билан асраладиган экологик муҳитни талаб қилади. Бу эса иқтисодийнинг глобаллашувига олиб келади.

## Иқтисодийт глобаллашувининг ривожланиш босқичлари



### 3.2. Жаҳон хўжалиги ва унинг таркибий тузилиши

Жаҳон хўжалиги деганда халқаро меҳнат тақсимоти натижасида савдо, ишлаб чиқариш, молиявий ва илмий-техникавий жиҳатлари билан бирлашган миллий хўжаликлар тизими тушунилади.

Жаҳон хўжалигининг таркибий тузилиши

Товар ва хизматларнинг жаҳон бозори.

Капиталнинг жаҳон бозори

Иш кучининг жаҳон бозори

Халқаро валюта тизими

Халқаро молия-кредит тизими

Ягона илмий ахборот майдони

Жаҳон хўжалиги  
субъектлари

Давлатлар ва  
уларнинг халқ  
хўжалиги  
комплекси

Транс миллий  
корпорациялар

Халқаро  
ташкilotлар ва  
институтлар


### 3.3. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ва халқаро ташкилотлар

БМТ 1945 йил 24 октябрда 51 та мамалакат томонидан ташкил этилган. Ҳозир унга 185 та мамлакат (2000 й.) аъзо



БМТ қошидаги ташкилотлар, Дастур ва жамғармалар 10 тадан зиёд

БМТ махус келишувлар асосида фаолият кўрсатадиган ихтисослашган мустақил ташкилотлар 15 та муассасалардан иборатдир.



БМТ билан махсус келишувлар асосида фаолият кўрсатадиган ихтисослашган мустақил ташкилотлар 15 та муассасалардан иборатдир

Халқаро меҳнат ташкилоти

Меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва бандлик даражасини оширишга йўналтирилган сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқади, бутун жаҳон мамлакатлари фойдаланадиган халқаро меҳнат стандартларини жорий этади

ФАО (Бирлашган Миллатлар ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти)


Барча сарф-харажатларни қишлоқ хўжалиги ва маҳсулдорлигини ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш учун йўналтиради.

ЮНЕСКО (Бирлашган миллатлар ташкилотининг халқ таълими, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти)

Халқ таълими, маданиятни ривожлантириш, жаҳондаги табиий ва маданий меросни муҳофаза қилиш, халқаро илмий ҳамкорликни, матбуот ва коммуникация эркинлигини барқарор этишга ёрдам беради

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти

Соғлиқни Сақлаш ва Ер қурраси барча аҳолиси саломатлигини максимал даражада яхшилаш муаммоларини ҳал этишга мўлжалланган дастурларни амалга оширилишини мувофиқлаштиради. Эмлаш санитария таълими ва асосий дори-дармон воситалари билан таъминлаш каби йўналишларда иш олиб боради.







#### 4 - Мавзу. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ (ТИФ) ТАРТИБГА СОЛИШ УСУЛЛАРИ

##### *Дастур*

ТИФни тартибга солишнинг умумий божхона тартиблари; божхона баённомаси; ТИФни бож ва тарифлар ёрдамида тартибга солиш усуллари: божхона тарифлари ва бождлари; ТИФни тартибга солишнинг тарифсиз усуллари: квоталаш, литцензиялаш, Ўзбекистоннинг божхона сиёсати,

##### *Маъруза*

Маъруза ҳажми 2 соат

##### Режа:

- 4.1. ТИФни тартибга солишнинг умумий божхона тартиблари
- 4.2. Ўзбекистоннинг божхона сиёсати
- 4.3. Божхона режими
- 4.4. Божхона назорати
- 4.5. Божхона лицензияси ва декларациялаш

Маърузанинг мақсади - ТИФни тартибга солишнинг умумий божхона тартиблари; божхона баённомаси; ТИФни бож ва тарифлар ёрдамида тартибга солиш усуллари: божхона тарифлари ва бождлари; ТИФни тартибга солишнинг тарифсиз усуллари: квоталаш, литцензиялаш, Ўзбекистоннинг божхона сиёсати каби масалаларни кўриб чиқиш.

*Мавзу бўйича қўлланувчи дидактив ва техник воситалар: кодоскоп ва махсус ишлаб чиқилган слайдлар*

##### *Амалий машғулот*

Машғулот ҳажми 2 соат

Машғулот дарсида талабалар билиши лозим бўлган саволлар:


- ТИФни тартибга солишнинг умумий божхона тартиблари;
- Божхона баённомаси;
- ТИФни бож ва тарифлар ёрдамида тартибга солиш усуллари;
- Божхона тарифлари ва бождлари;

- ТИФни тартибга солишнинг тарифсиз усуллари: квоталаш, лицензиялаш,
- Ўзбекистоннинг божхона сиёсати.

#### Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари. 1995 йил 5 январдан 2004 йил 1 январгача. Т.: Адолат, 2004.
3. Ўзбекистон янги қонунлари. 1-24 томлар. – Т.: Адолат, 2003.
4. Фуломов С.С., Дадобоев Ю.Т., Халилов Н.Н. Мировое хозяйство и международное экономическое отношения. Учебник. Т.: 2002.
5. Дадабоев Ю.Т., Рахимов Г.А. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. Фаргона, 2001.
6. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Внешнеэкономические связи. – М.: Финансы и статистика, 1998.
7. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Маъруза матнлари. ТМИ, 2002.
8. Ўзбекистан в мировой экономике. – Т.: Фан, 2001.

#### 4.1. ТИФни тартибга солишнинг умумий божхона тартиблари



Бож ва божхонага оид  
асосий тушунчалар


|  |   |
|--|---|
| Товарлар   | <p>Ҳар қандай кўчар мол-мулк, шу жумладан валюта ва валюта бойликлари, электр, иссиқлик энергиялари ва энергиянинг бошқа турлари, транспорт воситалари, интеллектуал мулк объектлари, олди-сотли ёки айирбошлаш объекти ҳисобланувчи бажарилган ишларнинг, кўрсатилган хизматларнинг натижалари</p> |
| Ўзбекистон товарлари                                   | <p>Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товарлар ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомалага чиқарилган товарлар</p>   |
| Чет эл товарлари                                       | <p>Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товарлар ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомалага чиқарилган товарлар</p>   |
| Транспорт воситалари                                   | <p>Йўловчилар ва товарларни ташиниш учун фойдаланиладиган транспорт воситалари, шу жумладан контейнерлар ва бошқа транспорт ускуналари</p>  |
| Товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтувчи шахслар | <p>Товарлар ва транспорт воситаларининг мулкдорлари, уларнинг сотиб олувчилари, эгалари ёхуд улар билан ушбу Кодексда назарда тутилган харажатларни ўз номидан амалга ошириш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ етарли бўлган бошқача тарзда иштираётган аъзолиги бўлган шахслар</p>                   |

|                               |  |
|-------------------------------|--|
| Ташувчи                       | Товарларни амалда олиб ўтувчи ёхуд транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул шахс   |
| Декларант                     | Товарларни олиб ўтувчи, товарлар ва транспорт воситаларини ўз номидан декларацияловчи, кўрсатувчи ва тақдим этувчи шахс ёки товар олиб ўтувчи шахс номидан иш олиб бораётган божхона брокери   |
| Божхона чегарасидан олиб ўтиш | Товарлар ёки транспорт воситаларини ҳар қандай усулда, шу жумладан халқаро почта жўнатмаларини юбориш, қувур транспортидан ҳамда электр узатиш линияларидан фойдаланиш йўли билан божхона ҳудудига олиб кириш ёки олиб чиқиш ҳаракатларини амалга ошириш |
| Божхона назорати              | Қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида божхона органлари амалга оширадиган тадбирлар мажмуи  |
